SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son S/8
2023

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ S/8 (3)-2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Намазова Умида Нормуродовна*
ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ)........ 10-15

*Эрназаров Туйгун Раджабович*
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ........ 16-21

*Хужаниязов Уктам Ешбаевич*
“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ........ 22-27

*Шаимкулов Азамат Холмуратович*
ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ........ 28-38

*Муродов Ҳалим Салимович*
ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР........ 39-46

*Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН........ 47-51

*Shonazarova Nargiza*
TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR........ 52-57

*Axmadova Nafisa Axmad qizi*
O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI........ 58-64

*Qodirova Ra’no Mamirjonovna*
O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O‘QITILISHI........ 65-70

*Yunusxo‘jayev Habibulla Zafar g‘o‘li*
SHARQDA KUCHLI IJTIMOIY HIMOYA TIZIMI TARIXI........ 71-75

*Нарбеков Абдикамил*
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ........ 76-80

*Alimova G‘unchaxon Baxadirovna*
JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA........ 81-85

*Jumanazarova Fotima*
XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI........ 68-93

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich*
PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW........ 94-100

*Hamrayev Amirzoda*
ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKILOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI ........ 101-109

*Хайтбоева Нигора Бакмататовна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ........ 110-119

*Xalilov Qahramon Qurbonboyevich*
MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI ........ 120-132

*Махмудов Турсунпулат Давронович*
ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ ........ 133-144

*Ishchanova Salomat*
KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI ........ 145-150

*Мўйдинова Зилола Вохид қизи*
ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА "АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ҲАРАКАТИ" МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 151-158

*Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon*
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI ........ 159-164

## ***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Саидова Камола Усканбаевна*
ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ ........ 165-173

*Omonturdiyev Orzu G'afforovich*
INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI ........ 174-179

*Очилова Гузаль Араловна*
ЮКСАК МАЪНАВИЯТ–МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ........ 180-185

*Nurmatova Umida Jalolidinovna*
MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI ........ 186-192

*Vafayeva Dilafruz Artikovna*
AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK ........ 193-198

*Karimov Zafarbek Ataboyevich*
IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEXANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI ........ 199-202

*Bozorova Ro'zigul Sharofovna*
MEHRSIZLIK HODISASINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR ........ 203-212

*Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna*
DINIY MANBALARDA IJTIMOIY HAMKORLIK O'OYALARI ........ 213-218

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*
TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI ........ 219-224

*Dehqonov Behzod Baxtityorovich*
YANGI O‘ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG‘RIKENGLIK G‘OYALARINI O‘RNI VA AHAMIYATI ........ 225-230

*Abdullayeva Firuza Sharipovna*
NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI ........ 231-236

*Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich*
SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING “AVORIF UL -MAORIF” ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G‘OYALAR ........ 237-243

*Ибрагимов Солижон Эргашович*
АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДИ........ 244-251

## *10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*

*Qodirova Mukaddas Tog‘ayena*
BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI........ 252-257

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanovich*
DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE ........ 258-265

*Hamroyeva Sharifa Shukur qizi*
TARJIMADA MILLIY SO‘ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING “NAVOIY” ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA) ........ 266-271

*Olimova Gulfiza Muradullayevna*
BADIIY SAN’AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO‘LLANILISHI........ 272-281

*Айниддинов Иқрориддин Шарифович*
АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ........ 282-287

*Turaeva Dilfuza Daminovna*
O‘ZBEK TILIDA OBRAZLI SO‘ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI ........ 288-295

*Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna*
LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO‘LISHI........ 296-305

*Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli*
LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ........ 306-311

*Isroilova Manzura Jamolovna*
FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING KOMMUNIKATIV TA`SIRI XUSUSIDA ........ 312-317

*Шамақсудова Саодат Хидоятовна*
МАССМЕДИА АСПЕКТИНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР........ 318-324

*Шатова Ирина Юрьевна*
ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ ........ 325-330

*Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna*
FRAZEOLOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI ........ 331-335

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*
KOʻP MAʻNOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI ....................336-340

*Турниязова Шахноза Нигматовна*
МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ....................341-347

*Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich*
INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI ....................348-352

*Aminova Dilnoza Xikmatullayevna*
THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY ....................353-358

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи*
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ ....................359-365

*Mamataliyev Toʻlqin Xushmamat oʻgʻli*
OʻZBEKISTONDA MASOFAVIY TAʼLIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI ....................366-378

**13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Saidov Jur'at Sodirovich*
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA
BERISHNING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI ....................379-384

*Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,*
TEXNIK OLIY OʻQUV YURTLARIDA OOʻZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI ....................385-390

*Таджиходжаева Эльвира Рашидовна*
ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ
В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ ....................391-396

*Тўрахонова Барно Турсунбой кизи*
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ....................397-406

*Ashurova Sitora Erkinovna*
USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION ....................407-412

*Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна*
ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида)....................413-421

*Xamirayev Rustam Abdirazakovich*
VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH ....................422-426

*Хашимова Масуда Камилжановна*
КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК ....................427-435

*Бердикулова Насиба Эркинжоновна*
СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ ....................436-442

*Saidnazarova Gulshan Bolta qizi*
AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA ....................................................................................................443-448

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/8 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*09.00.00–Фалсафа фанлари*

**Очилова Гузаль Араловна**
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти доценти, ф.ф.н.

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ–МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг долзарб масалалари ёритилган. Мустақилликни мустаҳкамлашда, тинчлик ва барқарорликни ривожлантиришда ватанпарвар, миллатпарвар, юксак маънавиятли фуқароларни шакллантиришнинг роли илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар**: Миллат, давлат, жамият, миллий давлатчилик, тафаккур, геосиёсат, миллатлараро тотувлик.

**Ochilova G‘ozal Aralovna**
Karshi Institute of Engineering-
Economics, docent, Ph.D

## HIGH SPIRITUALITY IS AN IMPORTANT FACTOR IN ENSURING UNITY OF INTERESTS

**Abstract.** This article highlights the important issues of raising the spiritual world of young people and educating them in the spirit of national and universal values. The role of forming patriotic, nationalistic, highly spiritual citizens in strengthening independence, developing peace and stability has been analyzed from a scientific and theoretical point of view.

**Key words**: Nation, state, society, national statehood, thinking, geopolitics, harmony between nations.

**Очилова Гузаль Араловна**
Каршинский инженерно-экономический
институт, доцент, к.э.н.

## ВЫСОКАЯ ДУХОВНОСТЬ ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЫМ ФАКТОРОМ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЕДИНСТВА ИНТЕРЕСОВ.

**Аннотация.** В данной статье освещаются важные вопросы поднятия духовного мира молодежи и воспитания ее в духе национальных и общечеловеческих ценностей. С научно-теоретической точки зрения проанализирована роль формирования патриотически настроенных, националистически настроенных, высокодуховных граждан в укреплении независимости, развитии мира и стабильности.

**Ключевые слова**: Нация, государство, общество, национальная государственность, мышление, геополитика, гармония между народами.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N24

Кўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти фуқаролар онгида шаклланган миллий давлатчилик тафаккурига, уларнинг ватанпарварлигига, ўз салоҳиятини фаол ва самарали рўёбга чиқаришига боғлиқ. Зеро, «бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор. Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз”[3:51]. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб ўзгаришлари ва халқаро муносабатлар глобаллашуви даврида миллатлар манфаатларининг уйғунлашуви муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий муносабатлар чегара билмайди, яъни тарихий тараққиёт жараёнида ўз миллий бирлигидан ажралиб, бошқа ҳудудларга кўчиб бориб яшаётган, давлатлар ўртасида сиёсий чегараларнинг ўзгариши натижасида у ёки бу халқнинг маълум бир бўлаги ўз миллатдошларидан ажралиб қолиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзининг миллий хусусиятларидан ажралмайди. Мазкур ҳолатлар албатта, миллатлар ўртасида ўзаро манфаатлар мувозанатининг бирлигини талаб қилади. Шу жараёнда давлат сиёсатининг оқилона ва реал механизмлар асосида амалга оширилиши миллатлар манфаатининг мутаносиблигини таъминлайди.

Маълумки, миллат кишиларнинг аввалги тарихий бирликларга нисбатан фарқли ўлароқ, дунёнинг қайси ҳудудида яшашидан қатъи назар, иқтисодий муносабатларга киришган табиий-тарихий бирлик ҳисобланади. Миллатларнинг мавжудлиги уларнинг ўзига хос манфаат ва эҳтиёжларининг мавжудлигини ҳам билдиради. Демак, ўзаро тенг фойдали манфаатлар шахс, миллатлар ривожланишининг ва уларнинг ижтимоий тараққиётда ҳиссаси ошиб боришининг асосий омилидир. Жамият ва давлат тараққиётида миллатлар манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашга ҳар доим эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Давлат ўз фаолиятида миллатлар ўртасида тенгликни таъминлай олмаса, жамият ҳаётида миллий биқиқлик, миллий низолар пайдо бўлиб, сиёсий танглик вужудга келади. Натижада, миллатчилик авж олади ва жамиятнинг ижтимоий – сиёсий барқарорлигига путур етади. Бинобарин, “Ўзбекистон каби кўпмиллатли, кўпконфессияли мамлакатда бундай ҳаракатлар охир – оқибатда миллатлараро зиддият, миллатчилик, миллий ва диний бетоқатлик каби нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин”[3:82].

Жамиятда тинчлик ва барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг зарурий шартидан келиб чиқиб, инсоннинг қадр-қиммати ва индивидуаллигини ҳурмат қиладиган фуқароларни онги-тафаккурини шакллантиришга эътибор қаратиш устувор аҳамиятга эгадир. Бинобарин, “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак...

Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқмаслиги лозим”[5:73-78].

Маълумки, жамият қанчалик кўп бирликлардан ташкил топган бўлса, у ерда шунча кўп ҳурфикрлилик, эркинлик, турли манфаатлар, мақсадлар, қадриятлар ривож топади. Ва шунга мос равишда манфаатлар тўқнашуви асосида зиддиятлар вужудга келади. Бундай мураккаб жамиятларда юзага келадиган ҳар қандай зиддиятларни бартараф этиш механизмлари бўлмоғи лозим. Шу жиҳатдан, Янги Ўзбекистонинг тараққиёт стратегияси ҳам буюк мақсадга бориш механизмидир. [2.]

Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам борлигини эътиборга олиш муҳимдир. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига уйғун бўлиши, муайян давлатдаги миллий сиёсатга боғлиқ. Кўп миллатли давлатларда миллатлар манфаатларининг бирлигини таъминлаш учун, жамиятда барчага маъқул келадиган умумий қадрият ва мезонларни шакллантириш лозим. Энг аввало, жамиятда барча миллатларнинг ўзига хос миллий анъаналарини, урф-одатларини, қадриятларини ва манфаатларини бирдек ҳимоя қиладиган ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб берадиган демократик ҳуқуқий мезонларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Қайси миллат вакили бўлишдан қатъи назар, мазкур давлатнинг фуқароси ҳисобланган миллатнинг ижтимоий онгида шу давлатга нисбатан бир хил муносабатда бўлиши миллий давлатчилик тафаккурининг мазмунини ташкил қилади. Давлатга нисбатан икки хил муносабат бўлиши мумкин эмас.

Ҳолбуки, юксак маънавиятли шахс миллатидан қатъий назар ўз манфаатларини ўзга инсон манфаатларидан устун қўймайди. Ҳар бир муайян миллат вакили яшаётган Ватанининг ягоналигини, ягона давлат ҳимоясида турганлигини англайди ва “ Шу азиз Ватан барчамизники” - деган тушунча улар онги – тафаккурида мужассам бўлади. Шунинг натижасида фуқаролар онгида шаклланган миллий давлатчилик тафаккури барқарор тараққиётни таъминлайди.

Шу боис, ўз ривожланиш йўлидан қатъий бораётган Ўзбекистон Республикаси асосий қонуни бўлган янгиланган Конституциянинг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, деб белгилаб қўйилди. Шунингдек, мазкур Конституциянинг 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқейидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.”, дея таъкидлангани мамлакатда яшаётган миллатлар манфаатларининг бирлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Бундай қонунларнинг ишлаб чиқилиши мамлакатда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади ва “Ўзбекистон – ягона Ватан” [6:94] деган туйғу юксак ижтимоий даражада шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида эса, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлайди, уларнинг ривожланишлари учун шароит” дейилган бўлса, 18-моддада эса, “Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши,

ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши мумкин" [1.], деб белгилаб қўйилди.

Шу ўринда, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон - бағрикенг давлат. Унинг тинчликсевар, бағрикенг, Ватанпарвар халқи ва одил, юксак салоҳиятли давлат раҳбари бор. Бунинг тасдиғини қисқа вақт ичида юқори суръатларда ривожланаётган миллий давлатчилик тизимидаги ўзгаришлардан, хорижий давлатларнинг Ўзбекистонга бўлган эътиборидан кузатиш қийин эмас. Ҳолбуки, бугунги кунда Ўзбекистонда фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт қуриб яшаши давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, халқимизнинг давлатга, унинг эртанги порлоқ келажагига бўлган ишончида эканлиги ҳаммага бирдек аён. "Ўзлигимизни англаб, юртимизнинг, тақдиримизнинг том маънода эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечиришнинг ҳақиқий аҳамияти ва моҳиятини чуқур тушуниб олган заҳматкаш, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга оширилаётган оламшумул ишлар, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгаргани, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик ва кузатмасликнинг ўзи қийин, деб ўйлайман.

Бундай ютуқ ва марраларнинг асосий омили ва мезони биз, аввало, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, фуқаролик савияси ва бурчи юксалиб бораётганида кўрамиз. Энг муҳими, эски, ўзини оқламаган тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу ҳақиқатни яққол англамоқдамиз"[6].

Демак, маънавий юксалиш жараёни ҳар бир амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари миллатлар манфаатларининг уйғунлиги асосида тинчликсевар, дўстона муносабатлардаги сиёсатнинг олиб борилишида, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий ва маънавий салоҳиятини сафарбар этиш учун яратилган шарт- шароит ва имкониятларда, десак янглишмаган бўламиз. Шу маънода "Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда" [4].

Бундай ташкилотларнинг нуфузи ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Чунки, ҳар бир шахснинг ижтимоий муҳитда шаклланиши, унинг қобилияти ва аниқ соҳага йўналтирилиши, унинг ишончи, ҳаётдан мамнун ҳолда фаолият олиб бориши, жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасининг таъминланганлигида, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга бўлаётган муносабатига боғлиқ.

Маълумки, мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати ўз халқининг фаровонлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш мақсадида халқаро тинчликсевар сиёсат олиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунда республикамизда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда кўпгина қўшма корхоналар ўзаро тенг

манфаатлар асосида фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бир пайтда 146 та миллий маданий марказлар ишлаб турибди. Айниқса, Республика Байналминал марказининг миллатлар ўзаро тотувлигини мустаҳкамлашда катта ишларни амалга ошираётгани фикримиз далилидир. Масалан: «Ўзбекистон умумий уйимиз", "Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда", "Ўзбекистон – ягона Ватан", "Шу азиз Ватан барчамизники" деб номланиб ўтказилаётган фестиваллар, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг бирлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, 2023 йил – "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурининг таркибий қисми бўлган турли миллат ва элат вакиллари фарзандларининг ҳар томонлама ривожланган шахслар бўлиб вояга етиши мақсадида ўз она тилида ўқиши учун энг зарур шарт-шароит яратиб бериш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ёшлар маънавиятини шакллантиришда ўз она тилига бўлган эҳтиром, яқинлари билан ўзаро ҳамжиҳатлик, Ватанига муҳаббат туйғуларини юксалтиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юксак маънавиятни шакллантириш – миллатлар манфаатлари бирлигини таъминлашнинг омили сифатида буюк мақсадни мужассам ифодалаб, озод ва обод келажакка олиб борувчи йўлни асослашга, ёритишга, халқнинг бу йўлдан адашмай боришига ундашга қаратилган. Унинг самарадорлиги миллий муштараклик туйғуси, миллий ирода, миллий онгнинг етуклиги, соғлом миллий ғурурнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳолбуки, миллий консолидация, муштараклик етишмайдиган халққа ҳеч қандай, энг пухта ўйланган модель ҳам ёрдам бера олмайди.

Шу боис, фуқаролар онгида миллий давлатчилик тафаккурини шаклланиши ва ривожланиши халқимизни бунёдкорлик салоҳиятини тўлароқ юзага чиқариш учун ички ва ташқи таҳдидлардан огоҳ бўлиб, давлатимиз тараққиёти йўлида ҳар қандай салбий омилларга қарши фаол курашишнинг, демократияни ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашнинг зарур шартидир. Миллатлар манфаатининг бирлиги эртанги кунга ишонч, истиқлол ва миллат истиқболига дахлдор масаладир.

## Адабиётлар / Литература / References:


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон" 2023.
2. Мирзиёев Ш.М. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: "Ўзбекистон", 2010.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: "Ўзбекистон", 1997.
6. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2015.

7. Қ. Назаров ва муаллифлар гуруҳи. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар. Т. ; “Янги аср авлоди”. 2001. – Б.94.
8. Ochilova Guzal Aralovna, Omonov Bahodir Nurillaevich, Nomozov Khurshid Shavkatovich, Manzarov Yusuf Khurramovich, Ochilov Baxrom Aralovich//Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System. https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/2880/2583 https://www.scopus.com/sourceid/21100216519 984-989
9. Ochilova G.A. Yoshlar – Yangi O‘zbekistonning ma’naviy elitasi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor SJIF 2022: 5.947 Advanced Sciences Index Factor ASI Factor=1.7 https://oriens.uz/media/journals/ORIENS_Volume_2__ISSUE_10.pdf) 1288-1294.
10. Ochilova, G. A. (2020). Philosophical analysis of the development of social consciousness. PalArch’s Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology” PJAEE, 17(7) 2020)https://www.palarch.nl/index.php/jae/article/view/2706/2637 https://www.scopus.com/sourceid/21100286805 Ochilova G.A.
11. Nurillaevich, O. B., Aralovna, O. G., Shavkatovich, N. K., Khurramovich, M. Y., & Aralovich, O. B. (2022). Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 984-989. https://sifisheriessciences.com/journal/index.php/journal/article/view/1815/1865
12. Очилова Г.А., Жумаева Ш.С., Очилов Б.А. Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожида миллий давлатчилик тафаккурини шакллантириш зарурияти: усул ва воситалари. Халқаро ислом академияси. Илмий таҳлил журнали. Тошкент. 2019 й. 44-бет.
13. Очилова Г.А, Очилов Б.А, Аралов М.Б. Гармонизация интересов народов является важным фактором развития мышления национальной государственности - Актуальные научные исследования в современном, b. 43-47. https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=BiF6nfgAAAAJ&citation_for_view=BiF6nfgAAAAJ:d1gkVwhDpl0C
14. Очилова Г.А, Омонов Б.Н. Ижтимоий фалсафа- Toshkent: Voris-nashriyot, 2020. https://scholar.google.com/scholar?cluster=4736823102127754546&hl=en&oi=scholarr
15. Ochilova G, Jumayeva Sh, Ochilov B. The necessity of forming National statehood and it’s mentality in the spiritual-moral and cultural development of society: methods and tools- The Light of Islam, 201. https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=BiF6nfgAAAAJ&citation_for_view=BiF6nfgAAAAJ:u5HHmVD_uO8C.

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/8 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари"** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).